

Andijon shahar, Navoiy shox ko'chasi, 33 uy

Tel/faxs: (374) 2235989 H/r 20208000104004480001

ATIB Ipoteka bank Andijon filiali kodi 00059 INN 202613599

2017 yil 22 fevral

№ 08

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2008 йилнинг 07 мартида берилган 00262 -сонли лицензияси

"ASAKA YOG" Акциядорлик жамиятининг

2016 йил учун тузилган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказиш

натижаларига кўра

АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигида 2013 йилнинг 07 августида 492 -сон билан қайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2008 йилнинг 07 мартида берилган 00262 -сонли лицензияси эгаси - масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ERKIN-AUDIT-XXI» аудиторлик ташкилоти томонидан "Asaka yog" Акциядорлик жамиятининг 2016 йил учун тузилган молиявий ҳисоботини жамият билан тузилган 2017 йилнинг 30 январь санасидаги 10-03/17-сон шартномага асосан 2017 йилнинг 10 февралдан 22 февралга қадар бўлган давр мобайнида аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Текширув "Asaka yog" Акциядорлик жамиятининг қўшма корхонасига нисбатан мустақил ҳисобланган аудитор Хусанов Ш (сертификат №00801) томонидан амалга оширилди.

Текширув учун тақдим қилинган ҳисоботларни тайёрлаш ва дастлабки ҳужжатларнинг тўғрилиги бўйича масъулият Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонунига биноан МЧЖ раҳбарияти ва бош ҳисобчиси зиммасига юклатилган.

Бизнинг вазифамиз, текширувга тақдим қилинган ҳужжатлар асосида жамият томонидан амалга оширилган хўжалик муомалаларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши, бошланғич ҳужжатларнинг тўлиқлиги ҳамда молиявий ҳисобот маълумотларининг ҳақиқатга мос келишлиги тўғрисида фикр билдиришдан иборат.

Текширув Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тартибга солувчи ҳаракатдаги қонунлари, бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартлари, Солиқ Кодекси ҳамда шу йўналишларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилди.

Аудиторлик текшируви, Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг ҳаракатдаги миллий андозалари асосида амалга оширилди. Ушбу андозалар бизга миқдор корхона ахборотларининг фойдаланувчиларни молиявий ҳисоботида моддий аҳамиятга эга бўлган ҳатоликлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида етарли даражадаги ишонч билан таъминлаш мажбуриятини юклайди.

Биз, ўтказилган аудиторлик текшируви "Asaka yog" Акциядорлик жамиятининг кўриб чиқилган молиявий ҳисоботи бўйича ўз фикримизни билдириш учун етарли тарзда асос беради, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, "Asaka yog" Акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабр ҳолатига тузилган молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради. Жамият томонидан амалга оширилган хўжалик молиявий муомалалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мос келади.

"ERKIN-AUDIT-XXI" MCHJ
Аудиторлик ташкилоти директори,
Халқаро Сертификат №00801, СПБ.



Ш.Б. ХУСАНОВ

22 FEB 2017